БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР ҚОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 42
7 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИДА: **Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ҳақида** (1-нчи бет).

Аҳолига медицина хизматини ҳартомонлама яхшилайлик. Тошкент шаҳар Советининг сессиясида (2-нчи бет).

ТЕАТР: **И. Пронина.**—«Доктор Айболит» (2-нчи бет).

**Ф. Усмонова.**—Инженернинг ташаббуси (2-нчи бет).

**Ерларни сифатли ишлаб, чигит экишни намунали ўтказайлик! Ю. Мираҳмедов.**—Чигитни тезда экиб, уни бехато ундириб оламиз. **Ҳ. Эргашев.**—Партия ташкилоти мўл ҳосил учун курашда. **С. Маҳкамов.**—Ҳосил тараддуди (3-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик ҳузурида қабул маросими (4-нчи бет).

Венгрия Халқ Республикаси элчихонасида қабул маросими (4-нчи бет).

Германия Бирлашган социалистик партиясининг IV с'езди (4-нчи бет).

«Юманите» газетасининг 50 йиллиги (4-нчи бет).

Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги шартноманинг олти йиллигига бағишланиб Хельсинкида йиғилиш ўтказилди (4-нчи бет).

## Виставкада қатнашиш хукуқини олиш учун мусобақани кенгайтирайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳозирги замон шароитида энг муҳим бўлган умумхалқ вазифасини—социалистик индустриянинг қудратли ўсиши негизида яқин икки-уч йил ичида мамлакатимизнинг халқ исте'мол қиладиган молларга ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатини хомаш'ё блан та'минлаш вазифасини қўйдилар.

Шу вазифани ҳал қилишда фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш ҳамда ишлабчиқаришда жорий этиш катта роль ўйнаши лозим. Бизнинг мамлакатимизда илғорлар тажрибаси миллий капиталдир. Ишнинг энг яхши намуналарини, меҳнат соҳасидаги илғорлик усулларини ёйиш давлат аҳамиятига эга бўлган жуда катта ишдир. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми социалистик қишлоқ хўжалигининг муваффақиятларини кенг пропаганда қилиш мақсадида, 1954 йилда Москвада доимий ишлайдиган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очишни, виставкада қатнашиш ҳуқуқини олиш учун қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг мусобақасини авж олдириб юборишни зарур деб топди.

Бутун «Правда»да СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ҳақида»ги қарори э'лон қилинди.

Социалистик қишлоқ хўжалигининг муваффақиятларини кенг пропаганда қилиш, колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари, қишлоқ хўжалик илғорлари ва ташкилотларининг илғор иш тажрибаларини, шунингдек илмий-текшириш ва тажриба муассасаларининг муваффақиятларини колхоз ва совхоз ишлабчиқаришида тезроқ жорий қилиш учун СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети доимий Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини 1954 йил 1 августда Москва шаҳрида очишга қарор қилдилар.

Ҳукумат ва КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиларини танлаш тартибини белгилаб бердилар, 1954 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашувчиларни танлаш кўрсаткичлари ва шартлари тўғрисида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитетининг чиқарган қарорини тасдиқладилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида иштирок қилиб, ишда энг яхши кўрсаткичларга эришган қатнашчиларни рағбатлантириш учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг Бош комитети томонидан ҳар йил бериб туриладиган мукофотлар белгиланди.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг очилиши мамлакатимиз ҳаётида жуда катта воқиадир. Виставка бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети қарорларида қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш тўғрисида чизиб берилган программани Коммунистик партия раҳбарлиги остида амалга ошираётган тарихий кунларда очилади. Виставка колхоз тузумининг кучини ва қудратини, социалистик хўжалик системасининг афзалликларини яна қайта-қайта намойиш қилиб кўрсатади. Виставка илғорлар тажрибасини ва фан муваффақиятини кенг ёйишга, социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини янада ривожлантиришга, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла равишда етарлик қилиб, кейин эса жуда мўл-кўл қилиб етиштиришни тезроқ та'минлашга ёрдам беради.

Уруш колхозларга, совхозларга ва МТС ларга, бутун қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказган эди. Ҳарқандай капиталистик давлат ҳам шу вайронгарчиликларнинг ўрнини тўлдирмоқ учун неча-неча ўн йиллаб овора бўлишга мажбур бўлар эди. Совет мамлакати эса социалистик хўжалик системасининг афзалликлари туфайли уруш жароҳатларини жуда қисқа муддат ичида тузатиб олишга, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришишга муваффақ бўлди. Броқ, халқ фаровонлигини янада юксалтириш соҳасидаги катта программа партия томонидан амалга оширилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг эришган даражаси мамлакатни қондираолмайди. Шу сабабли партия қишлоқ хўжалигини янада зўр куч блан ривожлантириш программасини ишлаб чиқди ва бу программани сабот блан амалга оширмоқда.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси шу ишнинг дастлабки якунларини яққол кўрсатиб беради, барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини оширишда ва жамоат чорвачилигини юксалтиришда ўзининг шонли меҳнати блан ажойиб муваффақиятларга эришганларнинг шуҳратини ошириб, довруғини ёйди.

Виставканинг очилишига оз вақт қолди. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидатларни танлаш ва тақдим қилиш ишлари 1954 йил 15 майгача тугалланиши лозим.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш учун белгиланган кўрсаткичларни ва шартларни колхозчиларга, машина-трактор станцияларининг ва ихтисослаштирилган станцияларнинг, совхозларнинг ва ўрмончилик хўжаликларининг ходимларига кенг равишда тушунтириб бериш вазифасини совет, партия ва қишлоқ хўжалик органларига юкладилар. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун колхозлар, совхозлар, ўрмончилик хўжаликлари, машина-трактор станциялари ва ихтисослаштирилган станциялар, саноат корхоналари ва районлар ўртасида, шунингдек колхозчилар, машина-трактор станцияларининг ва ихтисослаштирилган станцияларнинг, совхозлар ва ўрмончилик хўжаликларининг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва ташкилотчилари ўртасида оммавий социалистик мусобақага бошчилик қилиш партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг вазифасидир.

КПСС Марказий Комитетининг февраль-март Пленуми ғалла етиштиришни кўпайтириш ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Дон хўжалиги бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг негизидир. Ғалла етиштиришни кўпайтириш учун ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тормоқларини юксалтириш учун курашга Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун мусобақалашаётган барча қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг асосий э'тиборларини беришлари лозим. Кўкламги экиш даврида мўл ҳосил олиш учун негиз солинади. Экишни муваффақият блан ўтказиш ҳозир қишлоқ хўжалиги ходимларининг энг муҳим вазифасидир.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун социалистик мусобақани кенгайтирайлик!

**(«ПРАВДА»нинг 6 апрельдаги бош мақоласи).**

## Ўзбекистон қоракўлчилари—Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиқдилар

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги қоракўлчилик совхозлари коллективларининг 1953 йилги Бутуниттифоқ мусобақаси якунлари ҳақида ахборот олди. Биринчи ўрин Бухоро областидаги «Томди» ва Самарқанд областидаги «Қизил чорвадор» хўжаликларининг коллективларига берилган. Бу совхозларга СССР Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроқлари топширилади. ВЦСПС ва СССР Совхозлар министрлигининг Кўчма Қизил байроғи Бухоро областидаги «Конимех» қоракўлчилик совхозининг коллективига берилди.

Қашқадар'ё областидаги «Нишон» ва «Ғузор», Самарқанд областидаги Киров номли, «Нурота» ва «Улус» қоракўлчилик совхозларининг коллективлари пул мукофоти оладилар. (ЎзТАГ).

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА (КОЛХОЗЛАР БУЙИЧА) ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 6 АПРЕЛЬГАЧА БУЛГАН

### МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

| Районларнинг номи | Планнинг бажарилиши | Бир кунлик ўсиш | Районларнинг номи | Планнинг бажарилиши | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|
| Гулистон | 25,2 | 5,4 | Октябрь | 7,7 | 3,3 |
| Ховос | 24,7 | 4,6 | Янгийўл | 7,3 | 3,3 |
| Сирдар'ё | 19,0 | 8,0 | Юқоричирчиқ | 6,3 | 2,9 |
| Калинин | 12,7 | 5,7 | Мирзачўл | 5,9 | 2,8 |
| Орджоникидзе | 12,1 | 6,6 | Пискент | 5,7 | 2,4 |
| Ўртасарой | 11,9 | 4,2 | Ўртачирчиқ | 3,6 | 1,8 |
| Бекобод | 9,9 | 2,7 | Бўка | 2,3 | 1,2 |
| Оққўрғон | 9,3 | 4,2 | Оҳангарон | 0,4 | 0,4 |
| Верхне-волинск | 9,2 | 3,3 | Паркент | — | — |
| Чиноз | 8,9 | 3,9 | Область колхозлари бўйича: | 9,8 | 3,5 |

*СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетида*

## Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ҳақида

Социалистик қишлоқ хўжалигининг муваффақиятларини кенг пропаганда қилиш, колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари, қишлоқ хўжалик илғорлари ва ташкилотчиларининг илғорлик тажрибаларини, шунингдек илмий-текшириш ва тажриба муассасаларининг муваффақиятларини колхоз ва совхоз ишлабчиқаришида тезроқ жорий қилиш учун СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети қарор қилдилар:

1. 1954 йил 1 августда Москва шаҳрида доимий Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очилсин.

2. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқи қуйидагиларга берилсин:

а) экинчилик ёки чорвачилик бўйича виставка қатнашчилари учун белгиланган кўрсаткичларга эришган ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топшириш мажбуриятларини бажарган ва МТС ишлари учун натура ҳақини тўлаб бўлган колхозларга, совхозларга, ўрмончилик хўжаликларига ва қишлоқ районларига;

б) ўзлари хизмат кўрсатаётган колхозларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ёки чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича ўзлари учун белгиланган кўрсаткичларга эришган, колхозларнинг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш мажбуриятларини ва МТС ларнинг ишлари учун натура ҳақи тўлаш мажбуриятларини бажаришни та'минлаган, асосий трактор ишлари планини колхозлар блан тузилган шартномаларда кўрсатилган муддатларда бажарган ва ишларнинг таннархини пландагидан ошириб юбормаган машина-трактор станцияларига ва ихтисослаштирилган станцияларга;

в) ўзлари учун белгиланган кўрсаткичларга эришган колхоз ва совхоз чорвачилик фермаларига, совхозларнинг бўлимларига, чорва молларини боқиб семиртирувчи пунктларга, зотли моллар етказиб берувчи давлат хўжаликларига ҳамда от заводларига, завод отхоналарига, ипподромларга, инкубатор-паррандачилик станцияларига, паррандачилик фабрикаларига, ветеринария участкаларига, шифохоналарига ва лабораторияларига, элит-уруғчилик хўжаликларига, та'лим ва тажриба хўжаликларига, биофабрикаларга, сув хўжалиги ташкилотларига, қишлоқ хўжалик ремонт мастерскойлари ва заводларига, қишлоқ электростанцияларига, корхоналар ва муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликларига, ўрмончилик, токчилик, мевачилик ва тут кўчатзорларига, балиқ урчитиш ва овчилик хўжаликларига ҳамда питомникларига, ёш табиатшунослар ва ёш техниклар ташкилотларига;

г) малакали мутахассислар тайёрлаб беришни та'минлаган қишлоқ хўжалик ва ўрмончилик ўқув юртларига; деҳқончилик маданиятини ошириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кенг амалий аҳамиятга эга илмий муваффақиятлари бўлган, шунингдек фан ва илғор тажрибани пропаганда қилишда ҳамда колхоз ва совхоз ишлабчиқаришида жорий қилишда муваффақиятларга эга бўлган илмий-текшириш муассасаларига, селекция ва тажриба станцияларига, тажриба далаларига ва пунктларига, уруғликни нав'ини синаш давлат участкаларига;

д) фан муваффақиятларидан ва илғор тажрибадан кенг фойдаланиш асосида малакали ходимлар тайёрлашда муваффақиятларга эришган раҳбар кадрлар тайёрловчи мактабларга ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўқув юртларига;

е) қишлоқ хўжалиги учун тракторлар, автомобильлар, қишлоқ хўжалик машиналари, силовой установкалари ва запас қисмлар, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқараётган заводларга ва цехларга, шунингдек мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ва ишда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган конструкторлик бюроларига, илмий-текшириш институтларига ҳамда уларнинг лабораторияларига;

3. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқи қуйидагиларга берилсин;

а) қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ва машиналарнинг иш унумини ошириш бўйича ўзлари учун белгиланган кўрсаткичларга эришган колхозчиларга, машина-трактор станцияларининг ва ихтисослаштирилган станцияларнинг, совхозларнинг, ўрмончилик хўжаликларининг, қишлоқ хўжалик ремонт мастерскойлари ва заводларининг, сув хўжалиги ташкилотларининг, паррандачилик фабрикаларининг, молларни боқиб семиртирувчи пунктларнинг ва бошқа хўжаликларнинг ходимларига;

б) ўз ишлари блан хўжаликнинг виставкада иштирок қилишини та'минлаган колхоз раисларига, машина-трактор станциялари ва ихтисослаштирилган станциялар директорларига, совхозлар, ўрмончилик хўжаликлари, паррандачилик фабрикалари, молларни боқиб семиртирадиган пунктлар ҳамда қишлоқ хўжалик ремонт ва механика мастерскойлари директорига ва уларнинг ўринбосарларига, МТСлар ва совхозларнинг нефть хўжалиги мудирларига, совхозларнинг бўлим ва ферма бошлиқларига, чорвачилик фермалари ва асаларичилик хўжаликларининг мудирларига, колхозлар, МТСлар, совхозлар ва бошқа хўжаликларнинг мутахассисларига, агрономларга, зоотехникларга, ветеринария врачларига ва ветеринария фельдшерларига, ўрмончилик ва сув хўжалиги мутахассисларига, инженер-механизаторларга ва механикларга, бинокор инженерларга ва техникларга;

в) қишлоқ хўжалик органларида, министрликларнинг бўлимларида ва бошқармаларида ишлаб, ўз ишлари блан қишлоқ хўжалик фанини бойитаётган, илғорлар тажрибасини кенг жорий қилаётган ҳамда колхозларга, машина-трактор станцияларига ва совхозларга қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ошириш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш вазифаларини муваффақият блан бажаришда ёрдамлашаётган ҳамда қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга ёрдам бераётган агрономларга, зоотехникларга, ветеринария ходимларига, инженер-механизаторларга, мелиораторларга, агро-ўрмон мелиораторларига, илмий ходимларига ва практикларига;

г) ўз ишлари блан қишлоқ хўжалигини илғор техника блан та'минлашга, ўғитлар, заҳарли химикатлар ва нефть маҳсулотлари блан та'минлашга ёрдам бераётган ҳамда ишда юксак кўрсаткичларга эга бўлган цехлар, заводлар, конструкторлик бюролари ва министрликлардаги бошқармаларнинг ишчиларига, мастерларига, ихтиро'чиларига, конструкторларига, машиналар конструкцияси авторларига, инженер-техник ва раҳбар ходимларига;

д) ўзлари учун белгиланган кўрсаткичлар бўйича ёш табиатшуносларга ва ёш техникларга;

4. «1954 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашувчиларни ўрта ҳисоб блан 1952—1953 йиллдаги иш натижаларига қараб танлаб олиш ва 1955 йилги виставка қатнашчиларини 1954 йилдаги ишларининг натижаларига қараб танлаб олиш учун кўрсаткичлар ва шартлар тўғрисида» Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитетининг чиқарган қарори тасдиқлансин.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитетига виставка Бош комитетининг мазкур қарорида кўзда тутилмаган экинлар ва айрим тормоқлар бўйича виставка қатнашчиларини танлаб олиш учун қўшимча кўрсаткичларни ва шартларни кўриб чиқиб тасдиқлаш ҳамда мустасно тариқасида, 1954 йилги виставка қатнашчиларини ушбу қарорда тасдиқланган кўрсаткичлар бўйича 1952 йилги ёки 1953 йилги иш натижаларига қараб тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгиланиб қўйилсинки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун 1952 ва 1953 йилларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган ҳамда СССР орденлари ва медальлари блан мукофотланган колхозчилар, машина-трактор станцияларининг ва ихтисослаштирилган станцияларнинг, совхозларнинг, ўрмончилик хўжаликларининг, илмий-текшириш муассасаларининг ходимлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ходимлари, партия ва совет ходимлари ўзлари эришган кўрсаткичлар бўйича Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчилари қилиниб тасдиқланадилар.

5. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар, заҳарли химикатлар ва нефть маҳсулотларидан фойдаланишда ва уларни ишлаб чиқаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган қатнашчиларини рағбатлантириш учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитети томонидан ҳар йил бериладиган қуйидаги мукофотлар белгилансин:

а) Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашаётган колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари ва бошқа хўжаликлар ҳамда ташкилотлар учун — биринчи даражали 1000 диплом ва иккинчи даражали 3000 дипломи. Биринчи даражали диплом блан мукофотланганлар шу блан бир вақтда мукофотга юк автомобильлари ва енгил автомобильлар оладилар, иккинчи даражали диплом блан мукофотланганлар шу блан бир вақтда мукофотга юк автомобили оладилар.

Бундан ташқари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиб, алоҳида катта муваффақиятларга эга бўлган колхозларни, совхозларни, машина-трактор станцияларини ва бошқа хўжаликларни рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда мукофотлар белгилансин:

200 комплект автопоилка, 200 комплект электр блан сут соғиш агрегати, 500 комплект шамол кучидан фойдаланадиган установка, 500 та радиотрансляция установкаси, 500 комплект киноустановка ва 500 та колхоз кутубхонаси:

б) Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик вистовкасида қатнашувчи колхозларнинг раислари, машина-трактор станцияларининг, совхозларнинг директорлари, бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг илғорлари, мутахассислари ва ташкилотчилари ҳамда саноат ходимлари учун: 1500 та Катта олтин медаль, 3500 та Кичик олтин медаль, 10000 та Катта кумуш медаль, 25000 та Кичик кумуш медаль.

Бундан ташқари алоҳида катта муваффақиятларга эришган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги илғорларини ҳамда саноат ходимларини рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда мукофотлар белгилансин: «Победа» маркали 300 та енгил автомобиль, 2000 мотоцикл, 3000 велосипед, 2500 та тикув машинаси, 5000 радиоприемник, 7000 та қўл ва чўнтак соати.

6. Белгиланиб қўйилсинки, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги виставкасининг ҳамма қатнашчилари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги виставкасининг қатнашчиси деган медаль блан мукофотланади ва Виставкада қатнашганлиги учун шаҳодатнома олади.

7. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилиш республикаларда, ўлкаларда ва областьларда республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, қишлоқ районларида эса меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига юклатилсин.

Белгилансинки, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидатлар танлаш ва уларни тақдим қилиш ишлари 1954 йил 15 майда тамомлансин.

8. Совет, партия ва қишлоқ хўжалик органлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш учун белгиланган кўрсаткичларни ва шартларни колхозчиларга, машина-трактор станцияларининг ва ихтисослаштирилган станцияларнинг, совхозларнинг ва ўрмончилик хўжаликларининг ходимларига кенг равишда тушунтирсинлар ҳамда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқи учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун колхозлар, совхозлар, ўрмончилик хўжаликлари, машина-трактор станциялари ва ихтисослаштирилган станциялар, саноат корхоналари ва районлар ўртасидаги, шунингдек колхозчилар, машина-трактор станцияларининг ва ихтисослаштирилган станцияларнинг, совхозларнинг ва ўрмончилик хўжаликларининг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва ташкилотчилари ўртасидаги оммавий социалистик мусобақага бошчилик қилсинлар.





**Суратда:** 1. Комсомол ва ёшларнинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун 5 апрельда Тошкент вокзалидан Қозоғистон ССРга жўнаб кетаётган иккинчи группаси. 2. Тошкент экскаватор заводи қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Қозоғистон ва Сибирьдаги МТС ҳамда МЭСларга «Э—502» маркали экскаваторларнинг биринчи партиясини юбормоқда.

**В. Лейн** ва **Б. Мазур** фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

